



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Ахмедова Муяссар Хадиматовна

*психол.ф.н., Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети Психология кафедраси доценти*

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТААЛЛУҚЛИ ЖАРГОНЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

Резюме

Бугунги кунда тил хусусиятларини илмий жихатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу мақолада ёшларнинг тилида кундалик муолқот жараёнида қўлланиладиган жаргонлар сўзлари ўрганилган. Бунда жамиятнинг асосий қатлами ҳисобланган ёш авлод вакилларининг жаргон сўзлари келтириб ўтилган, шунингдек уларнинг жаргонларини ўрганишнинг аҳамияти ва зарурлиги баён этилган. Жаргон сўзларининг ўзига хос бўлган психолингвистик хусусиятлари илмий жихатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тил, жаргон, психолингвистика, нутқ, луғат, ижтимоий, жамият, мулоқот, нутқий фаолият, лексика, тизим, ёшлар, гуруҳ, арго, социолингвистика.

КИРИШ. Маълумки социологияда референт гуруҳ деб реал ёки фаразий, индивид учун ижтимоий қиёслаш жараёнида эталон вазифасини бажариб, у ўз ижтимоий мавқеини, феъл-атворини ва мақсадларини таққослайдиган ижтимоий гуруҳга аталади. Ушбу референт гуруҳнинг тилини унинг учун негиз бўлган ёшлар аргосидан тарқалаётган шохлар кўринишида тасвирлаш мумкин. Ёшлар аргоси, ўз навбатида, умумий арго билан кесишади. Улар кесишган жойда ўқувчи ёшларни ўз ичига олган ёшлар муҳитида ишлатилладиган луғавий қатлам ҳосил бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ. З.М.Маъруфов таҳриридаги икки томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да арго сўзига таъриф бериб ўтилган. У қуйидагича ифодаланган: “Арго –

(франц) бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос бошқалар тушунмайдиган ясама тили. Арго маълум социал гуруҳлар томонидан қўлланиб, бошқалар учун сир тутиладиган сўзлардир» [3. 52]. Лекин илмий адабиётлар таҳлилига кўра, мутахассислар арго ва жаргонларга ўзига хослик билан ёндошиш кузатилади. Яъни аргони жаргон ёки сленг ўрнида ифодалайди. Тилшуносликдан маълумки, бундай сўзларнинг аниқ меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Уларнинг умумийлиги, ноадабий сўзлар ҳисобланиб, маълум социал гуруҳлар томонидан қўлланилади.

Шундай қилиб, ёшлар ва талабалар аргосининг умумий негизи умумий аргога, яъни арго сўз ва иборалар жамғармасининг ўзгаришларга энг кам учрайдиган муайян қисмига тегишлидир. Коллеж, лицей ва олий ўқув юртлари ўқувчиларининг аргосини алоҳида белгиланади, чунки мактаб ва талабалар аудиторияси таркиби жиҳатидан бир хил эмас. Буни, энг аввало, ёш ва таълим даражасидаги катта фарқ билан, шунингдек, олий ўқув юртларининг очик ва ёпиқ турлари ўртасидаги алоқа билан тушунтириш лозим. Қатъий танлов ўтказувчи ёпиқ турдаги ўқув юртларининг талабалари жуда ҳам герметик гуруҳдир. Бундай уюшган гуруҳ мактаб ичида фойдаланишга мўлжалланган ўзига хос тил яратади. Очик ўқув юртларидаги талабалар аргосининг фарқлаб турувчи хусусиятлари сирасига ёпиқ эмасликни, маълум бўлақларга бўлиниш йўқлигини, луғавий тизимининг ўтказувчанлигини киритиш мумкин. Тадқиқод натижаларига кўра, шуни таъкидлаш жоизки, франциялик талаба ёшларнинг тили – бу умумий арго (ёки «жарго»), талабалар жаргони ва «бранше»нинг қандайдир лингвистик қоришмаси [7. 45]. Ёшлар аргоси ва умумий арго ўртасида қатъий чегара йўқ, шунинг учун француз луғатининг жаргонлари ва бошқа меъёрий бўлмаган қатламлари ўртасида аниқ белгиланган чегара мавжуд эмас. Аргода сўзлашувчи ёшларнинг сўз ишлатишига умумий аргодан айрим сўз ва иборалар, шунингдек, бетакаллуф муомала ва содда тил лексемалари кириб қўшилади.

Ушбу қатламларнинг ўзаро муносабатини сўзлашув тилини ҳам (ахир кўп аргога хос лексемалар пировардида кундалик нутққа ўтади), жаргонларни ҳам (маълумки, аргога хос сўзлар кўпинча жаргон сўзлар қаторига ўтади, кўп ҳолларда маъноси ўзгаради) вужудга келтирувчи ва озиклантирувчи умумий аргонинг тимсоли бўлган дарахт танаси кўринишида тасвирлаш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз; умумий арго ва жаргонизмлар кесишган жойда янги «шоҳ» – жарго ўсиб чиқади (ёпиқлик даражаси кучсиз, сўз ўйини функцияси устун ва мақсади адабий тилдан четлашиш бўлган тил ҳодисаси), ундан сўнг эса ёшлар сленги, шу жумладан унинг бақувват шоҳларидан бири бўлган талаба ёшлар сленги (талабалар сленги) ўсиб чиқади. Талабалар сленги умумий арго, жарго, талабалар жаргони, шунингдек, гиёҳвандлар ва программистлар жаргони ҳамда «бранше» элементларига эга. Худди мана шунинг учун арготизмлар муаммосига ўзаро боғланган фанлар, масалан, коллоквиалистика ҳам жиддий эътибор қаратаётганлиги тўла қонунийдир. О.С.Сапожникова ўз монографиясида француз сўзлашув тилини, шу жумладан унинг таркибига кирувчи регистрлардан бири бўлган «арго»ни чуқур таҳлил қилади [6. 252 с].

Шундай қилиб, француз лингвистикасида «арго» тушунчасига терминологик таъриф бериш муаммоси долзарблигича қолмоқда. 1886-1888-йиллардаёқ Ж.-П. Колен ушбу атамани талқин қилиш ҳамда «замонавий арго» ва «сўзлашув тили» ўртасида аниқ чегара белгилаш мураккаб эканлигини кўрсатиб берганди. Муаллифнинг фикрича, «аргода мулоқот қилиш сўзлашув тилининг қандайдир даражада умумлаштирилган шаклига айланди» [8. 59p]. У яна шуни қайд қилгандики, «биз бундан буён арго ва



сўзлашув тили ўртасидаги фарқларни ишонч билан айтиб бера олмаймиз, уларнинг ҳар иккаласи адабий нормани қайсидир маънода, ҳар ерда, «халқпарварлик» туси остида қўполлаштиришда иштирок этмоқда. Агар арго, баъзи тадқиқотчилар қўмаш ҳисси билан ўралашиб қолгани сингари, соф кўринишида ва қўпол шаклида ўлган бўлса ҳам, бизнинг ўрганиб қолган сўзлашув тилимизда ҳали ўлмаган ва ўлмайдиган нимадир бор: четга оғиш, онгли ёки онгсиз равишда меъёрга бўйсунмаслик. Ҳеч бир уюшма ва ҳеч бир тил бундай доимий ўзаро алоқа ва бўлинишларсиз мавжуд бўлишда давом этиши мумкин эмас. Бу эса арго билан боғлиқ ҳолатда унинг лексик шакллари, лингвистика нуқтаи назаридан, барқарор эканлиги, ахлоқ нуқтаи назаридан эса – «цензура» томонидан тақиқланганлиги сабабли, янада равшандир[8. 8-б].

Ёшлар мулоқотида, шунингдек, миллий тил хусусиятларини акс эттирилиши киши феъл-атворини ўзига хослигига бевосита боғлиқ. У шахсий тилнинг бир қисми бўлиб, унда сўзма-сўз семантик даражасидан фарқли равишда индивидуалликни намоён қилиш мумкин. Дунёнинг тил хусусиятлари шахснинг лингвистик даражаси оғзаки гаплардан фарқли ўлароқ тилда акс эттирилиши, эҳтимол, ижтимоий, ёшга хос хусусиятларнинг намоён бўлишидаги ўзига хос ноёбликнинг бир қисмидир[1.212].

Муаллифнинг фикрича, аргонинг барча турларини бирлаштирувчи функция сўз ўйинидир. «Анъанавий арго, ўғрилар олами аргоси энди йўқ. XXI аср аргоси – академик бўлмаган, адабий бўлмаган тил, у шу тилда сўзлашувчиларнинг хаёллари ўйини ҳисобига бойийди ва ўзида бугунги кун модасини акс эттиради. Бугун аргода гапириш – эркин гапириш, ўз фикрларини ўйин тарзида ифодалаш демакдир»[9. 334.]. «Арго» билан «сўзлашув тили» ўртасидаги асосий фарқ биринчисининг ижтимоий ёки касбий муҳит билан алоқаси бўлса, сўзлашув тили кундалик мулоқотда табиий тарзда ишлатиладиган, лекин адабий, нафис тилда сўзлашувчилар билан суҳбатда, шунингдек, юқори турувчи одамлар билан мулоқотда унутиш керак бўлган сўз ва ибораларни ўз ичига олишидир.

Шу ўринда ўқув жараёнини ифодаловчи жаргон сўзлари мисол қилиб келтириш мумкин. Фанни ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган жаргонлар: банан - қониқарсиз баҳо; бўлмади - имтихондан ўта олмаслик; дум - имтихондан ўта олмаслик (хвастичка); икки баҳо; думалаб тушди - имтихондан ўта олмаслик; калла қўймоқ, калла ташламоқ - имтихондан ўта олмаслик; учди - имтихондан ўта олмади; йиқилмоқ - имтихондан ўта олмаслик; чопди - фанни ўзлаштира олмади, фандан ўта олмади, топшира олмади; яхламоқ - имтихондан қайтмоқ; эркакнинг баҳоси - қониқарли баҳо.

Ўқув жараёнига тааллуқли белгилар: нб-дарсда иштирок этилмаганлик белгиси; плюс - журналда талабани дарсда қатнашганини белгилаш; акно - дарслар орасидаги бўш вақт; махраж хафта - жуфт хафталар; суръат хафта - тоқ хафталар; нолавой - ўқув жадвалидаги дарс вақти (нолевой пара, дарс);

Фанлар: псих - психология фани; чизма - чизмачилик; контр - назорат иши;

Ўқув жараёнига тегишли бўлган жойлар: универ - олийгоҳ; каптархона - деканат; бункер - абутурентларни ўқишга киритишда саволларига жавоб тайёрлайдиган ноқонуний махсус жой; офис - хожатхона;

Жаргонда сўзловчининг мақсади гуруҳ аъзолари ўзаро алмашинаётган ахборотга эга бўлишини имкони борича чеклашдан иборат бўлади. Чунки «жаргон» нутқ тежамкорлиги функцияси билан ажралиб туради, бу эса унинг мақсади максимал



ҳажмдаги ахборотни минимал воситалар ёрдамида узатишдан иборат эканлигини маълум қилади.

Юқорида айтилганларга хулоса ясаган ҳолда қайд этиш зарурки, ўтган асрда Ж.-П. Колен шундай ёзганди: «Афтидан, арго ҳақида ҳамма нарса айтиб бўлинган, «арго бундан буён мавжуд эмас» деган фикрдан тортиб «арго ҳамма жойда» деган тахминларгача; бундай қарама-қарши фикрларнинг асосида нимадир бор, лекин нима?»[8. 89.]. XXI асрда К.Геннек ўзининг асарида бу саволга шундай жавоб берди: «Бугун аргода ҳамма гапиради. Бундан буён у бетакаллуф муомалага мўлжалланган қуйи тил бўлиб, унда хароба кварталларда яшовчилар ҳам, зиёлилар ҳам сўзлашадилар. Арготик луғатнинг шундай қисми борки, уни ҳамма билади ва ишлатади. Албатта, муайян ижтимоий гуруҳларга, минтақаларга, районларга, шаҳарларга хос бўлган бошқа қисми ҳам мавжуддир»[7.49].

ХУЛОСА. Шундай қилиб, маҳаллий ва хорижий социолингвистикада ёшлар гуруҳларига хос ноанъанавий репертуарни белгилаш учун терминологик жиҳатдан тенг маъноли тушунчаларнинг кенг рўйхати такрорланувчи атамалардан фойдаланишни чеклашга ундайди. Ўзаро мулоқот вақтидаги талабаларнинг тилини таърифлаш учун «сленг» атамасидан фойдаланилади (Ўзбек тилшуностигида «сленг» сўзига таъриф берилмаган). Хорижий ва россиялик социодialeктологлар ва лингвистлар томонидан бажарилган ёшлар ва, хусусан, талабалар сленгини илмий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил этиш керакли, аниқ хулосалар чиқаришга имкон беради.

Хуллас, замонавий ёшлар нутқида деярли сўз бирикмаларининг ҳеч бир элементи йўқ, улар асосан жаргоннинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган ноадабий (кўча) сўзларларнинг луғатидан фойдаланишади. Жаргоннинг марказида ҳар доим муайян гуруҳнинг устувор йўналишлари ва бу сўз бирикмаларининг ўзига хослиги бу қадриятларни ташқи дунё таъсиридан ҳимоя қиладиган устуворлик мавжуд бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедова М.Х. Ёшлар мулоқотида ноадабий сўзларнинг психолингвистик хусусиятлари. ЎЗМУ хабарлари. 2021. № 1/6. Б. 212-215.
2. Ахмедова М. Х. Духовно-нравственное воспитание в процессе непрерывного образования //Молодой ученый. – 2016. – №. 3. – С. 784-786.
3. Мелибаева Р., Ахмедова М. Бола нутқини чиройли ривожлантириш-ноадабий сўзлар таназзулидир. – 2021.
4. Мелибаева Р. Н. Формирование самостоятельного и творческого мышления студентов в процессе поиска решения проблемной ситуации //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2012. – №. 12.
5. Melibayeva R. N. et al. Psychological mechanisms of development students' creative thinking //International journal of scientific & technology research. – 2020. – Т. 9. – №. 03.
6. Tursunaliyevna A. M., Karimovna N. Y. MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARIDA MADANIY-GIGIYENIK MALAKALARNI TARBIYALASH-BOLALAR ORGANIZMINING JISMONIY RIVOJLANISHIDA MUHIM VOSITA //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-103.
7. Норметова Ю. Изучение социально-психологических подходов к проблемам здоровья и болезни //От истоков к современности. – 2015. – С. 304-306.



8. Akhmedova M. et al. Categories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurrence of conflicts between medical personnel. – 2021.
9. Сапожникова О.С. Разговорная речь в коммуникативной структуре художественного текста (на материале французского языка): монография. – Нижний Новгород: Изд-во НГУ им Н.И.Лобачевского 2001. – 252 с.
10. Colin J.-P. Argot et poésie : essais sur la déviance lexicale, Paris : Presses universitaires de Franche-Comté, 2007. - 159 p. 8-б